O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**Da'vat**

***Fan sarhadlari ufqqa o'xshaydi, ularga qancha yaqinlashilsa, ular shuncha uzoqlashaveradi.***
**Per BUAST**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 23-iyul, chorshanba | № 59 (7564)

**Ibrat**

***Samarqanddagi 17-maktab jamoasi USAID va IREX loyihasi bo'yicha o'tkazilgan maxsus tanlovda g'olib chiqib, eng so'ngi rusumdagi o'nta kompyuterga ega bo'ldi. Yangi o'quv yilidan ushbu maktab o'quvchilari uchun Internet tarmog'iga ulangan zamonaviy kompyuter sinfidan foydalanish imkoniyati yaratildi.***

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ТАРБИЯДА МУСИҚАНИНГ АҲАМИЯТИ — 4-бет

«АВЕСТО»ДА ЭЗГУЛИК ҒАЛАБАСИ — 5-бет

КИТОБЛАРГА ТУШСА КЎЗИМ... — 8-бет

«МАҚОЛЛАР» КРОССВОРДИ — 8-бет

*<u>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори</u>*

## 2003 йилнинг I ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида барқарор иқтисодий ривожланиш тенденцияси давом этди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, тўлов интизоми ошди, умуман иқтисодиётнинг ва унинг айрим соҳаларининг мутаносиблиги кучайди.

Ялпи ички маҳсулот (103,8%), саноат (105,5%) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (103,8%), истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (104,0%) ва пулли хизматлар ҳажми (104,4%) ўсиши таъминланди. Аҳолининг иш билан таъминланганлиги ўсишининг барқарор тенденцияси сақлаб қолинди — 102,8 фоиз. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан бажарилди.

Пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар инфляция суръатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда, у биринчи ярим йилликда 2002 йилдаги 14,4 фоиз ўрнига 4,2 фоизни ташкил қилди.

Жорий ярим йилликда тижорат банкларининг жами капитали 32 фоизга кўпайди, кредитларнинг қайтарилиши яхшиланди. Банк тизимига ишонч ошди — аҳолининг депозит ҳисоб рақамларидаги омонатлари 44 фоизга кўпайди.

Валюта сиёсатини янада эркинлаштириш соҳасида жиддий силжишга эришилди, валюталарнинг алмашув курслари унификациясига амалда эришилди, биржадан ташқари ва параллел валюта бозорлари курслари ўртасидаги тафовут бартараф этилди.

2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида 698 корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Хусусийлаштиришдан тушган жами маблағ 22,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Қимматли қоғозлар иккиламчи бозори айланмаси ярим йиллик мобайнида 1,5 баравардан кўпроқ ошди.

Жорий йилда янгидан 27,7 минг микрофирма, кичик ва ўрта корхона ташкил этилди, бунинг натижасида 211,4 минг янги иш ўрни барпо этилди. Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга 104,6 млрд.сўм, шу жумладан ўз ишини янгидан бошлаётган тадбиркорлар учун бошланғич сармояга 1,7 млрд.сўм йўналтирилди.

Ҳозирги вақтда кичик ва ўрта тадбиркорлик улушига ялпи ички маҳсулотнинг 34 фоизи тўғри келади ва иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 56 фоизи ушбу секторда меҳнат қилмоқда.

Ташқи савдо фаолиятида ижобий силжишлар рўй бермоқда — ташқи савдо айланмаси ярим йиллик мобайнида қарийб 23 фоизга, шу жумладан, экспорт 41 фоизга ўсди, тайёр маҳсулотлар экспорти 1,6 баравар кўпайди. Ташқи савдода 530 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш таъминланмоқда. Ҳисобот даврида зарар кўриб ишлаган 178 та қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида 11 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил қилинди. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича ҳисоб-китоб қилиш тизими ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш тузилмаси такомиллаштирилмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришлар инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига чуқурлашди. Иқтисодиётга капитал қўйилмалар ҳажми 2,6 фоизга ўсди. Барча инвестицияларнинг 60 фоизидан кўпроғи ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди. Ярим йиллик мобайнида 200 млн. АҚШ долларидан кўпроқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори ўтган йилдагига нисбатан 1,9 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, якунлар таҳлили ҳали ҳам кўпгина заҳиралар ҳамда имкониятлардан ва энг аввало, яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланилмаётганлигидан далолат бермоқда, хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари суст бормоқда.

Корхоналарни хусусийлаштиришнинг қабул қилинган дастурини бажариш ишлари етарли суръатлар билан олиб борилмаяпти. Ярим йиллик мобайнида «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясида атиги 2 та объект, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида 3 та, Матбуот ва ахборот агентлигида 4 та ва Халқ таълими вазирлигида 8 та объект хусусийлаштирилган. Ушбу иш Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида суст олиб борилмоқда.

Хусусийлаштириш жараёнларига, энг аввало, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимидаги йирик корхоналарни ва бошқа кўплаб корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларининг аҳволи қониқтирмайди.

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси (21,6%), «Ўзфармсаноат» давлат концерни (22,4%), «Ўзпахтасаноат» уюшмаси (23,9%), «Файз» холдинг компанияси акциядорлик жамияти (40%), «Ўзбекенгилсаноат» компанияси (40,3%), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (40,5%) ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (40,9%) маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг белгиланган прогнозларидан орқада қолишга йўл қўйишди. 33 лойиҳани амалга ошириш бошланмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида маҳаллий бюджетларга даромадлар тушумининг прогноз параметрлари бажарилишини таъминламадилар.

Қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини кенгайтириш ишлари етарли олиб борилмаяпти.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ниҳоятда суст бормоқда — танлов савдолари ўтказишда қонун бузилиши, қурилиш қийматининг ошириб юборилиши ҳоллари мавжуд, лизинг ва лойиҳа-инжиниринг хизматлари кўрсатиш тизими ривожланмаяпти.

Бошқарув тизимида маъмурий-буйруқбозлик усуллари, бюрократизм, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашиш

**(Давоми 2-бетда)**



## ЭНГ ЯХШИ ҒАЛАБА — ИЛМДАГИ ҒАЛАБА!

**Faxr**

**Жорий йилнинг 12—18 июль кунлари Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган ёш математикларнинг 44-халқаро олимпиадасида ўзининг истеъдоди ва ижодий қобилияти, шу фанни чуқур ўрганишга бўлган қизиқиши туфайли мамлакатимиздаги бир қанча танловларда ғолиб чиққан умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларининг 6 нафар ўқувчиси иштирок этиб қайтишди.**

**Дунёнинг 89 та давлатидан қатнашган мазкур ёш математикларнинг халқаро олимпиадасида жами 450 нафар ўқувчи қатнашди. Олимпиада якунларига кўра, халқ таълими тизимига қарашли Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб битирувчилари Дониёр Нафасов ва Азиз Жўрақуловлар юқори натижаларни кўрсатиб, кумуш ва бронза медали соҳиблари бўлишди. Шунингдек, мазкур халқаро олимпиадада иштирок этган Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги 195-мактаб ўқувчиси Максим Булатов, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти қошидаги лицей-интернат ўқувчиси Шерхон Сирожиддинов, Когон туманидаги 11-мактаб ўқувчиси Жалол Қурбонов, Самарқанд давлат меъморчилик ва қурилиш институти қошидаги лицей-интернат ўқувчиси Шоҳруҳ Холматовлар фахрий диплом билан тақдирландилар. Дарвоқе, Ш.Холматов бу йил математика фанидан ўтказилган республика олимпиадасида ҳам иштирок этиб, 90 балл тўплаган ҳолда иккинчи ўринни эгаллаған эди. 44-халқаро математика олимпиадасида қатнашган медаль соҳибларидан Азиз Жўрақулов эса мазкур олимпиадага қадар республика математика олимпиадасида совринли ўринни эгаллаганлиги учун олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқини қўлга киритганди.**

**Тошкент халқаро аэропортида мусобақа иштирокчиларини тантанали кутиб олиш маросими ўтказилди. Маросимда Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мутахассислари, матбуот ходимлари, мактаб ўқувчилари ва ота-оналар иштирок этишди.**

**Ғолиблик туғи билан юртимизга қайтган ўқувчиларни кутлаш мақсадида бугун халқ таълими вазири ҳузурида тантанали қабул маросими ўтказилиши режалаштирилган.**

**Ж.МУСАЕВ,**
**"Ma'rifat"нинг махсус мухбири**
**Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

## ҚАЛБДАГИ ТУЙҒУНИНГ ОДДИЙ СУВРАТИ




*Олис-яқин йўлларда доим бир кўзим болалару ўсмирларда бўлади. Уларнинг овозларидаги қатъият, қадамларидаги дадилликдан ўзгача бир қувват оламан. Айниқса, суҳбат чоғида сўзларида ўзим ахтариб, орзулаб юрган бирор туйғуни ҳис этсам, барча армонларим шу қувонч ёруғи, ҳароратида эриб кетади.*

*— Мана, бизнинг чемпион болаларимиз, алпомишларимиз, — дейди Қарши педагогика ижтимоий-иқтисодиёт коллежи муаллимаси Бўритош Носирова бирибиридан чайир, жануб қуёшида қорайган йигитчаларни таништираркан.*

*— Исмим — Бахтиёр, Умаровман, кураш бўйича олтин медал олдим.*

*— Фаррухман. Теннис ўйнайман. Меникиям олтин медал.*

*Аброр Омонқулов, Сирожиддин Болтаев кумуш медал соҳиблари. Уларнинг ҳаммаси жорий йилда Андижон вилоятида академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг ғолиблари.*

*Мени уларнинг ғолиблик нишонларидан кўра ҳам беллашувлар ҳақидаги таассуротлари қувонтирди:*

*— Эҳтимол, қачонлардир воҳада биздан ҳам кучлироқ, уқувлироқ болалар ўсишгандир. Аммо уларга ҳеч ким эътибор бермагани учун ўз-ўзича чиллак ўйнаб, тўп тепиб, курашиш, ғалаба қилиш орзулари юраклари тубида қолиб кетавергандир. Коллежимизда ўқиш баробарида спорт машғулотлари билан жиддий шуғулланамиз. Кўзга ташландик. Андижонда ғолиб бўлиб, шоҳсупага кўтарилдик. Андижон бизни иззат-икром билан кузатди. Қашқадарё ҳам шундай кутиб олди. Биз 16-17 ёшда қадр нималигини билдик. Қадр олтиндан қиммат экан.*

*Мен кўзлари тийрак йигитчаларнинг кўпроқ, яна кўпроқ, яна баландроқ гапиришларини истардим. Токи уларнинг овози барча олис қишлоқларга ҳам етиб борсин! Мустақиллик туфайли топилган қадрни бошқалар ҳам соғинсин, бу қадрни бошқалар ҳам излаб келсин!*

**(Давоми 2-бетда)**

## ТОШКЕНТДА ЕВРОПА ТАЪЛИМИ

**ёхуд ўзбек талабалари ўз юртларида Вестминстер университети таълимини олмоқдалар**

### ТАРИХИЙ КУН

2002 йилнинг 16 январи. Бу — ҳаммамиз учун оддий бир кун. Аммо Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро Вестминстер университети учун бу тарихий бир сана бўлиб қолади. Чунки худди шу куни Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрида халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди.

Дунёдаги етакчи ва нуфузи баланд Вестминстер университетининг Ўзбекистонда ташкил этилиши шунчаки гап эмас. Бунинг замирида чексиз имкониятларга бир ишора бор, яъни Ўзбекистонни олам танимоқда, тан олмоқда. Бу университетни Тошкентда очишнинг зарурияти нимада эди? Бу даргоҳнинг тарихи, бугунига назар солганимизда, нимани кўрамиз?

### ЛОНДОНДАГИ ЙИРИК УНИВЕРСИТЕТ

Вестминстер университети Англия пойтахти Лондон шаҳри марказидаги йирик олий таълим муассасаси бўлиб, у XIX асрнинг иккинчи ярмида политехника институти сифатида "туғилган". 1992 йилдан эътиборан университет мақомини олди. Муассасадаги жами талабалар аспирантлар билан қўшиб ҳисоблаганда 20 мингдан зиёд. 30-40 фоиз талабалар бошқа давлатлардан бориб ўқиётганлардир. Агар Буюк Британияда 120 дан зиёд университет мавжуд бўлса, бу муассасанинг улар орасида алоҳида ўрни бор. Даргоҳ қиролича Елизавета II эътиборида бўлиб, бизнес, иқтисод, ҳуқуқ унинг асосий йўналишларидир.

**(Давоми 4-бетда)**

**«Abituriyent-2003»**

## АУДИТОРИЯ РАҲБАРИ ХОЛИСЛИККА МАСЪУЛ

Тест синовларининг жорий этилиши ва унинг ота-оналар, жамоатчилик томонидан ижобий қабул қилинишига сабаб – таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш жараёнининг объектив, холис ва адолатли танлов асосида ташкил этилганлиги билан узвий боғлиқ. Қайсики, тест синовлари жорий этилмасдан олдин таълим муассасаларида ойлар, йиллар давом этадиган келишувлар асосида "тоға", "жиян" бўлиш ҳамда айрим "танлаб" олинган имтиҳон ҳайъати аъзолари томонидан "қариндош"ларнинг ўқишга кириш, кирмаслик тақдири ҳал этиларди. Агар тест синовлари жорий этилгандан кейинги ҳолатлар мазмунига кенг маънода эътибор берадиган бўлсак, ўтган йиллар давомида ҳар йили олий таълим муассасаси талабаси бўлиш истагида ўртача 200-250 минг абитуриент ҳужжат топширади. Шундан 50 минг атрофидаги абитуриент олий таълим муассаса талабаси бўлади. Айтиш лозимки, танлов бор жойда ўзига хос норозилик ва эътирозлар бўлади ҳамда улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўрнатилган тартибда талаб қилишади. Шу нуқтаи назардан қараганимизда ҳам тест синовлари бўлиб ўтгандан кейин Давлат тест марказига ўртача 900-1000 нафар абитуриент ариза билан мурожаат қилиш ҳоллари кузатилади. Ушбу мурожаатларнинг асосий мазмуни биринчидан, абитуриентнинг шахсий масъулиятсизлиги бўлса, иккинчидан аудитория раҳбарларининг эътиборсизлиги билан бўладиган хатоликлар десак тўғри бўлади. Шунинг учун биз аудитория раҳбарлари гуруҳини шакллантириш тамойиллари ва уларнинг вазифалари тўғрисида фикр юритишни лозим топдик.

Зотан, тест синовларида иштирок этувчи аудитория раҳбарлари гуруҳини ўз вазифасига масъулият билан ёндошадиган жамоатчилик вакиллари: тиббиёт, таълим, ишлаб чиқариш каби соҳа ходимларидан ҳокимликлар танлайди. Аудитория раҳбарларининг жамоатчилик вакиллари орасидан танланиши тест синовларидаги холислик таъминланишига олиб келади. Шу боис ҳам анъанавий имтиҳон олиш усулида шаклланган ошна-оғайнигарчиликнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш айнан аудитория раҳбарлари зиммасидаги вазифа ҳисобланади.

Хўш, аудитория раҳбари зиммасидаги муҳим вазифалар нималардан иборат?

**(Давоми 4-бетда)**

## ЎҚИТУВЧИ БЎЛИШ ОРЗУСИДАГИ ЁШЛАР КЎП

**ёхуд бу йилги қабул жараёнида энг кўп ариза ТДПУга топширилди**

**Tahlil**

Бугунги ёшлар ҳаётини кузатар экансиз, битта муҳим жиҳатни яхши илғайсиз: улар бирор ихтисосликни эгаллаш ўз келажагини белгиловчи омил эканлигини жуда яхши тасаввур қилишади.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларига ҳужжатлар қабули бошланган дастлабки кунларда, кўпчиликда бу йил абитуриентлар ҳар йилгидек кўп бўлмаса керак, деган фикр уйғонган эди. Чунки бу йил умумтаълим мактабларининг 11-синфини тугатганлар 338 минг атрофида бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам олий ўқув даргоҳларига ҳужжат топширавермайди, деган тахмин бор эди. Миллий дастур талабларига мувофиқ, 9-синфни тугатган мактаб ўқувчилари ҳар йили академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишларини давом эттиришмоқда. Аммо бу, улар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан кифояланяпти, дегани ҳам эмас.

Ҳозирги вақтда юртимизда жами 68 та институт ва университет мавжуд. Уларда 139 та ихтисослик бўйича бакалавр, 664 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Миллий дастур "қал-дирғочлари" сифатида учирма қилинаётган бакалавр ва магистрлар тезликда ўз иш ўринларига ҳам эга бўлишмоқда. Уларнинг ўрни эса абитуриентлар билан тўлдириляпти. Айни пайтда магистратура мутахассисликларига ҳам аризалар қабул қилинаётир. 22 июлга қадар 1719 та ариза тушди, қабул режасидаги ўринлар сони эса 5400 та.

Албатта, қабул жараёнига ҳар йили пухта тараддуд кўрилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, қолаверса, ҳар бир олий таълим муассасаси роппа-роса бир ой давом этадиган мавсум олдидан ўзларининг умумий вазифаларини белгилаб олишади. Қабул бошланган дастлабки кунларданоқ ҳар бир ўқув даргоҳида аризалар қабул қилиш учун махсус гуруҳ ташкил этганлиги сир эмас. Гуруҳ таркибига маслаҳатчилар ҳам киритиладики, улар абитуриентнинг ҳужжатларини бир сидра кўздан кечиришиб, камчиликлари бўлса кўрсатиб, сўнгра қабул ҳайъатига тақдим этиб туришади.

Табиийки, абитуриент қанчалик кўп бўлса, танлов шунчалик катта рақобат муҳитида кечади. Шу жиҳатдан олганда, энг кўп ҳужжат тушган муассасалар қаторига Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика (11184 та), Самарқанд давлат (10489 та), Термиз давлат университет (10481 та)ларини киритиш мумкин. Бу ҳолатни нима билан изоҳласа бўлади?

Низомий номидаги ТДПУнинг нуфузи баланд. У педагог-кадрлар тайёрлаш бўйича таянч даргоҳ. Ҳар йили ҳам бу ерга абитуриентлар яхши ният билан қадам қўйишади. Қолаверса, университетнинг энг юқори ўринни ишғол этиши ёшларда педагоглик касбига ҳурмат-эътибор юқорилигидан ҳам далолат беради.

Самарқанд қадимдан маърифат бешиги ҳисобланган.

**(Давоми 2-бетда)**

# «БОБУР — СЕВИШГА АРЗИГУЛИК ЗОТ»

**(нозиктаъб шоир ва давлат арбоби Мирзо Бобур ижодини қиёслаб ўрганишда маъруза дарсларини ташкил қилиш)**

*10-синфда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг шоир шахсиятига қизиқишларини орттириш мақсадида:*

*а) дарсда шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида далиллар, ривоятларни келтириш;*

*б) аввал ўтилган Шайбонийхон ҳаёти, фаолияти, Муҳаммад Солиҳ ва унинг «Шайбонийнома» асари билан қиёслаб ўрганиш;*

*в) Бобур сўзларидан руҳий қувват олиш каби масалаларга аҳамият берилиши дарс унумдорлигини оширадиган омиллардандир.*

*Мирзо Бобур 1526 йилда Ҳиндистонни эгаллаган. Бобурийлар шажараси авлодлари Ҳиндистонда:*

1. *Бобур 1526-1530 йилларда;*
2. *Ҳумоюн 1530-1556 йилларда;*
3. *Акбаршоҳ 1556-1605 йилларда;*
4. *Жаҳонгир 1605-1627 йилларда;*
5. *Шоҳжаҳон (Хуррам) 1627-1658 йилларда;*
6. *Аврангзеб 1658-1707 йиллар, 189 йил давомида ҳукмронлик қилганлар.*

*Бобур Навоийдек қалам билан дунёни забт этиш мумкинлигини тушуниб етган нозиктаъб шоирдир. Буни Бобур ва унинг набираси Акбаршоҳ фаолиятида ҳам кўриш мумкин.*

## Teran tomirlar

*Ҳинд халқининг ривоят қилишича, Бобур ўлими олдидан ўғли Ҳумоюн ва набираси Акбарни ўз ҳузурига чорлаган (бу даврда Акбаршоҳ таваллуд топмаган, ҳинд халқи рамзий маънода ривоят яратган). Улар олдига қилич ва қаламни қўйиб: «Менинг ёруғ дунёдан кўз юмишим яқинга ўхшайдур, давлатни сизлар бошқаришингиз даркор. Қайси бирингиз нима билан ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, истаганингизни танлашингиз мумкин», — дебди. Шу пайт Ҳумоюн қўлига қилични, Акбар эса қаламни олибди. Ушбу рамзий ривоятдаги манзара Бобур ўз набираси туғилмасдан икки йил аввал вафот этган бўлишига қарамай, Бобур ва унинг набираси Акбаршоҳга нисбатан ҳинд халқининг чексиз меҳр-муҳаббати ва ҳурматини ифодалайди. Зеро, қалам тутган Акбар ўз қалами билан Ҳиндистон мамлакатининг илм-фани, архитектура санъати, маданий тараққиётини юксалтиришга ҳисса қўшган. Бу ҳақда Ҳиндистоннинг давлат арбоби Ж.Неру: «Улуғ кишилар фақат оддийгина фазилатлари билан, одамларни ўзларига мафтун этадиган оҳанраболари билан ажралиб турадилар. Акбар ана шундай оҳанрабога эга мафтункор шахс эди» деган. «Акбар амалдорлар маъмуриятининг ижобий қонун-қоидаларини белгилаб берди, солиқ йиғинини меъёрга келтирди, давлат даромадини оширди, қўшнилар ўртасида яхши интизом ўрнатди, йўллар, кўп иморатлар қурдирди. Ҳатто улар ҳозир ҳам саёҳатчиларда ҳайрат уйғотади. Акбар ҳақиқий буюк шахслар сирасига мансубдир», дейди рус ёзувчиси Добролюбов.*

*Шоҳжаҳон амрига биноан бетакрор, гўзал тарзда бунёд этилган Тож маҳал мақбараси эса муҳаббат рамзи сифатида ҳозиргача дунё аҳлини ўзига жалб этиб келмоқда.*

*Бобур ва унинг авлодлари тўғрисида юқорида кўриб ўтилганидек, ҳинд ва бошқа халқлар буюк шахслари томонидан теран мулоҳазалар баён этилган. Бадиий, илмий асарлар, мақолалар ёзилган.*

*Шунингдек, Хайриддин Султон ва Сайфиддин Жалиловаларнинг 1997 ва 2001 йилларда чоп этилган «Бобурийнома» маърифий романи ва «Бобур ва Юлий Цезар» номли қиёсий ҳаётномаси ҳам далиллар асосидаги «Бобур изидан» халқаро экспедициясининг Бобурийлар сулоласи хусусида чуқур маълумотлар берувчи бебаҳо изланишлари маҳсулидир.*

*Мемуар асар «Бобурнома», ғазал ва рубоийлардаги сатрлар Бобурнинг ўз Ватанига бўлган чексиз муҳаббатини ифодаловчи, қалб тубини ўртаган изтиробли сатрларидир:*

*«Ул вилоятларнинг латофатларини киши нечун унутқай... Бу фурсатга бир қовун келтируб эдилар, кесиб, ғариб таъсир қилди, тамом йиғлаб эдим» ёки:*

***Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,***
***Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.***
***Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,***
***Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.***

*Унинг она Ватани равнақи учун ёш подшоҳлик давридаёқ илк бор катта ишга қўл урганлиги кўзга ташланган ва буюк ишларни амалга ошириши мумкинлигидан дарак берган. Ўш шаҳри яқинидаги Барокўх ёнбағрида 1497 йилда Бобур фармони ила гўзал ҳужра қурдирилган, бу ҳужра ҳозиргача сақланиб қолган.*

*Айтишларича, бир йигитда бир йўлбарс кучи бўлар экан...*

*Ҳиндистондаги жанг олдида ана шундай забардастликка эга бўлиб вояга етган Бобурнинг айтган буюк йўлбарс наърасидек қудратли кучга эга бўлган таъсирчан оҳангдаги каломи, нутқи миқдор жиҳатдан оз бўлган навкарларини ғалаба сари чорлаган.*

*Ўғилларига нисбатан талабчанлик ва меҳрибонлик эса дилбандларининг ақл-заковатли, жасур бўлишларига, теран мушоҳадалар юритишларига руҳлантирган.*

*Тарихчи олим Эдуард Холденнинг: «Бобур феъли сажиясига кўра Цезарга қараганда севишга арзигуликдир», — деб ёзиши ёшларда ватандошимиз — Бобурга бўлган ҳурмат, муҳаббат ва фахрланиш туйғусини янада оширади.*

*Мазкур далил, ривоят ва хулосалар Бобур ҳаёти фаолияти ҳамда ижодини ўрганишда, ўқувчиларни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб, ўз она — Ватанига, она-юртига муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади ва Бобур ҳақида уларга пухта, қизиқарли маълумотлар етказилади. Ушбу тарзда янги технологиялар бўйича маъруза дарсларини ташкил этиш ўқувчиларни мустақил, эркин фикр юрита олишларига одатлантиради.*

**Хадичахон АЛИЕВА,**
**КДПИ Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси,**
**Дилафрўзхон РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**КДПИ қошидаги лицейнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

## Moziydan sado

# «АВЕСТО»ДА ЭЗГУЛИК ҒАЛАБАСИ

Ҳар бир дин ва диний тасаввурлар асосини эзгулик ғояси ташкил этади. Аммо, маълумки, эзгулик бор жойда унга зид равишда бирор ёвузлик ҳам мавжуд бўлиб келган. "Авесто" китобининг мифологик қатламларида айни шу икки тараф — эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасидаги зиддиятнинг албатта, эзгулик ғалабаси билан тугаш ғояси мужассамлашгандир. Шундай экан "Авесто" мифологиясига қисқача назар ташласак.

Аввал на ер, на қуёш, на сайёра ва юлдузлар мавжуд бўлиб фақатгина чексиз-чегарасиз, бошу адоқсиз вақт — зрувана (таққосланг: сўғдча зрувана-зронос — қадимги юнонларнинг вақт худоси **Кронос ва ушбу сўзнинг турдош отга айланган** хронология таркибидаги **хроно** бўлаги, бу тушунчаларнинг бари вақт маъносини беради) бор эди. Зрувана ичра азал эзгулик ибтидоси Ахура Мазда (Ахура—жаноб, Мазда — олий зот) мавжуд эди. У бошида ўзининг қудрати ифодаси Спента Майнйу (Спента—муқаддас, Майнйу-фикр)ни, сўнг бўлажак дунёнинг барча эзгуликларининг руҳини яратди. Булар язатлар, яъни маъбудлар ва фравашилар, яъни оламда яралажак эзгуликларнинг руҳлари. Ушбу зрувана ичра Ахура Мазда барча нарсани англовчи доно билгич сифатида қабоҳат, бахиллик ва ёвузлик ибтидоси **Ангхра Майнйу (анг-«нажас»—ёш болалар тилида ҳали ҳам шу маънони билдиради+х()и)ра-** "нурсиз"+майн-"фикр") борлигини ҳам биларди. Аммо Ангхра Майнйу ўзининг ақлу фаросати пастлиги туфайли Ахура Мазда — эзгулик дунёсини яратувчининг борлигини ҳали билмасди.

Ахура Мазда ўзининг чеку чегарасиз Нур дунёси **Анахранам Рауча** (Анахранам — охири йўқ. Рауча-нур, шу ерда сўғдча "рауча" ва русча "луч" сўзларини таққосланг)сидан туриб уч минг йил давомида эзгу дунёнинг руҳий асосларини, сўнгра моддий эзгулик дунё **каршварз**ларини (каршварз=карш(узун)+варз(катта). Ҳозирги ўзбек тилида ушбу сўз кишвар кўринишида кенг, улуғ мамлакат маъносида қўлланилади) ҳамда одамлари учун хуш ва гўзал манзилларни яратди.

Ахура Мазда томонидан яратилган эзгу дунёнинг руҳий асосларини аввало ҳамиша барҳаёт муқаддас зотлар **Амеша Спандлар** (Амеша-доимий, Спанд-муқаддас, шу ерда сўғдча "амеша" ва ўзбекча "ҳамиша" сўзларини таққосланг) ва язатлар ташкил этди. Амеша Спандлар олтита бўлиб, улар Ахура Мазданинг хислатларидир.

Авестошуносликда Амеша Спандлар Ахура Мазданинг вазифадор малоиклари дейилади. Булар, 1) Ваху Ману (ваху-яхши, ману-фикр) — эзгу фикр тимсоли, 2) Аша Вахишта (Аша-ҳақиқат, ваху-яхши, (х)ишта-ҳаёт) — адолат тимсоли, 3) Хшатра варйа (хшатра-аскар) — бош-қарув, қудрат тимсоли, 4) Спента Армаити — муқаддас ер тимсоли, 5) Хаурватат — саломатлик рамзи, 6) **Амеретот** (а-инкор юкламаси, меретот-ўлик, шу ерда сўғдча мерт-мурт ва ўзбекча мурда сўзлари билан таққосланг) — абадий тириклик рамзи. Бу зотлар ҳар бири ўз соҳаси бўйича ҳомийдек ҳисобланиб, Ахура Мазданинг эзгу ишларининг барҳаётлигини таъминловчи турли хил илоҳий куч-қудрат қирраларидир.

Ахура Мазда бир қатор эзгу маъбудларни ҳам яратди. Масалан, **Атар (таққосланг: сўғдча атар ва ўзбекча оташ сўзларини)** — муқаддас олов маъбуди. У ҳақни ноҳақдан айирувчи, адолат ва ҳақиқат кўрикчисидир. Яштларда у ҳақиқат илоҳийси Ашиннинг оғаси ва Ахура Мазданинг ўғли деб таърифланади.

Язатлардан **Ватах** (таққосланг: сўғдча ватах ёки бодфорсча бод (шамол), шаббода (кечки шамол) = ўзбекча шабада) эзгулик шамол маъбуди бўлса, раманах (таққосланг: сўғдча Рама ва ўзбекча Ором) тинчлик, осойишталик маъбуди бўлган.

Митра эса илоҳий сўзга содиқликни назорат қилганлиги туфайли битим маъбуди деб ҳам юритилади. Ҳуқуқий амалий соҳада ҳам битимлар Митра номидан тузилиб, уларнинг ижросидаги бузилишлар Митра томонидан жазоланади деб тушунилган.

**Хварно** (бахт қуши Ҳумо функциялари билан таққосланг) маъбуди бахт, омад рамзи ҳисобланади. Подшолик салтанати худодан ато бўлади ва Хварно орқали етишади. Пайғамбарлик мартабаси Заратуштрага ҳам Хварно орқали етишган.

Ардви Сура Анахита "қудрат, покиза, бокиралик" рамзи бўлиб, у нафақат сув ва ҳосилдорлик ҳомийси балки оила, фарзанд кўпайиши, ёшларнинг, айниқса қизларнинг бахти ҳақида қайғурувчи маъбуда ҳисобланади.

Язатлардан **Сраоша (сўғдча Сраоша-Срош ва русча слух, Слушать сўзлари билан таққосланг)** ва **Рашну**лар (сўғдча Рашну ва ўзбекча Рост сўзларини таққосланг) у дунёда руҳнинг Чинвод кўпригидан ўтиш олдидан сўроқ қилувчиларидир. Сраоша тинглаш маъноси билан боғлиқ бўлиб, у имонли одамларнинг эзгу сўзларини, ўқиган дуоларини тинглаб савоб ёзувчи язат ҳисобланса, Рашну ҳақ, адолат, ростликни таъминловчи маъбуддир.

Шу тариқа эзгу дунё яралиши уч минг йил давом этгач, Ангхра Майнйу эзгулик ва яхшилик дунёси тўғрисида билиб қолади. Шу пайтдан бошлаб Нурга қарши Зулмат, Ҳақиқатга қарши Ёлғон, эзгу маъбудларга қарши ёвуз дев ва парилар яралади. Масалан, **Бушастя** (таққосланг: сўғдча бушастя ва ўзбекча бўш, бўшашмоқ сўзларини) номли ялқовлик девини олайлик. Бу дев узундан-узун оёқ-қўлларга эга бўлиб тонги ибодат учун эрта турмаган кишиларни оёқ-қўллари билан ўраб бўшаштириб қўяр экан. Шу туфайли уйқудан кеч турганлар кун бўйи ланж бўлиб юрар экан.

**Анауша** (ёш бола тилида "абош бўлди" дегани "тугади", "тамом бўлди" маъноларини беради) деви — йўқлик ва очкўзлик тимсоли. У инсониятга разиллик қилиш учун дарёларнинг сувини бутунлай ичиб қўядиган қабиҳ девдир. Бундан ташқари, Ажидаҳо (Аждарҳо), Мармаван (хотирасизлик тимсоли) каби ёвуз девлар ҳам яратилади.

Шу тариқа эзгуликлар ва ёвузликлар қоришиб кетди. Ана шундай аралаш дунё тўққизинчи минг йиллик бошида Заратуштра туғилиши билан ўзининг покланиш даврига киради. Ниҳоят 12 минг йил тўлганда Заратуштра авлодлари бўлмиш қутқарувчи зотлар — осушянтлар дунёга келиб ёвузлик ва эзгулик ўртасида ҳаёт-мамот жанги бошланиб кетади. Оқибатда эзгулик ғалаба қилиб оламда ёвузлик тугатилади. Осушянтлар худодан барчанинг гуноҳларидан кечишни илтимос қилиб, руҳларини абадий **Ваху Хишта**га (таққосланг сўғдча Ваху (яхши) Хишта (ҳаёт) ва ўзбекча беҳишт) етаклайди. Ерда яна Ангхра Майнйу ёвузликларидан олдинги эзгу дунё қайта жонланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, "Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал" сўзлари зардуштийликнинг уч устунини ифодаловчи ибoрадир. Эзгуликни яратмоқ учун яхши ният ва сўзларимизга мос равишда эзгу амалларимизни бажарсак, қандай соз!

**Дилноза АКБАРОВА,**
**Тошкент давлат шарқшунослик институтининг 3-босқич талабаси**

# ИБРАТ — ИЛМ ТАРҒИБОТЧИСИ

Исҳоқхон Жунайдуллаев 1861 йили Наманганнинг Тўрақўрғон тумани, Сайрам маҳалласида зиёлилар оиласида туғилган. Унинг отаси илмли соҳибкор боғбон, онаси эса ўз замонасининг ўқимишли аёлларидан бўлиб, у ўз уйида қишлоқ қизларига илм берган. Исҳоқхон 1870 йили отасининг вафотидан сўнг Қўқон мадрасасида ўқиб, ўз саводини чиқарган. Ибрат Тўрақўрғоний билимдон шоир, замонасининг етук зиёлиси эди. У Шарқ мамлакатларига қилган сафаридан сўнг ўз юртига қайтиб келиб, ўн беш йилдан зиёд қозилик қилади. Ана шу даврда у ижодга берилиб бир қанча асарлар ёзади, шеър битади, шоир-маърифатпарвар бўлиб танилади. Етук зиёлига айланади.

Исҳоқхон Жунайдуллаев — Ибрат бутун умрини Наманганда фан, адабиёт ва маданият тараққиёти йўлига бағишлади. Ибрат 1937 йили туҳмат туфайли қамалади, қамоқда ярим йилча ётиб, ўша йилнинг 19 июнида, 75 ёшда вафот этади.

Қуйида унинг матбаачилик фаолияти билан боғлиқ хотиралари билан танишасиз. Рус тили билан бирга Шарқ халқлари тиллари: араб, форс, турк, афғон, ҳиндуни анча мукаммал билган Исҳоқхон хориж сафари (Араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Афғонистон)дан қайтиб келгандан сўнг 1987 йилда араб, форс, ҳинду, турк, ўзбек ва рус тилларини ўз ичига қамраб олган "Луғати ситта ал-сина" ("Олти тил луғати") луғат-асарни яратди.

Мазкур асарга қизиқиш, талаб шу даражада юксак эдики, қўлёзма қўлдан-қўлга ўтиб юрди, баъзи ихлосмандлар нашрдан чиқмасданоқ фойдаланишга, асар-луғатдан кўчирмалар олишга муваффақ бўлдилар. Бу қўлёзма-луғат босмахонадалигида танишганлардан бирининг 1901 йилда "Туркистон вилоятининг газети"да ёзган қуйидаги сўзларидан ҳам ўқишингиз мумкин: "Исҳоқхон ўз табларидан чиқариб, "Луғати ситта ал-сина" деган олти китоб тасниф қилиб, босмахонага юборибдилар. Албатта онинг босилмоғига тўрт (4 йилдан сўнг, — А.Б.) ижозат берилиб, нечанд нусхалар босилиб чиқса керак. Бизнинг Туркистон вилоятимиздаги сартиялардан шунча тил билиб, бул тариқа луғат-китоб тасниф қилган инсон йўқ.

Бинобарин, босма учун юборган ва тасниф айлаган луғат-китобларини кўриб, босма қилмоққа ижозат берилса керак, деб умид айлаб газетага ёздик".

Исҳоқхон Жунайдуллаев "Луғати ситта ал-сина" нашридан кейин китоб нашри шайдоси бўлиб қолади. У нашр ишларини зимдан ўрганиб юриб, босмахона анжомларини қўлга киритишдан олдин уларнинг қайси усули ва турини, қишлоқ шароитида ишлатиш осонроқ кўчишини чамалаб кўргандан сўнг Туркистон генерал губернатор маҳкамасига литография, яъни тош босма очиш учун илтимоснома ёзади. Бироқ Санкт-Петербургдан ҳа деганда рухсатнома келавермайди. Шунга қарамай, ўзбек зиёлиси, шоир Ибрат ўзининг навбатдаги асарини катта умид билан нашрга тайёрлаб боради ва асар нашрига рухсат олиш учун китоб қўлёзмасини Санкт-Петербург цензорининг Бош бошқармасига йўллайди. Исҳоқхон Жунайдуллаев, таваккал қилиб, тош босма очишга рухсат бермасдан туриб, 1907 йили Оренбургдан литография ускуналарини катта маблағ ва машаққатлар эвазига олдин Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларда етказади. 1908 йилда ўзи қурдирган ҳаммом ўрнида тош босма матбаа ташкил қилади ва уни "Матбааи Исҳоқия" номи билан 1909 йил (рухсатнома олган йил)дан илгари, яъни Санкт-Петербургнинг Бош бошқармаси цензори томонидан 1908 йили босишга рухсат берилган китоб — "Санъати Ибрат қалами Мирражаб Бандий"ни чоп этишдан бошлаб фаолият кўрсата бошлаганди.

Хуллас, "Матбааи Исҳоқия"ни ишга туширишда, Ибратнинг асарини нашр этишда, полиграф юмушларидан хабардор бўлган Ҳусайн Макаев Исҳоқхонга яқиндан ёрдам берган. Матбаани вужудга келтиришдан мақсади тўғрисида шоир "Тарихи чопхона" шеърида ёзиб ўтган.

Исҳоқхон Жунайдуллаев тош босманинг шахсий муҳрини ҳам ишлаб чиқади. Муҳрнинг кўриниши — нур сочаётган қуёш тасвирини эслатиб, унинг марказига "илм" сўзи ўйиб битилганди. Бу билан Ибрат матбаани илм-нур таратаётган қуёшга қиёслайди. Ана шу рамзий тамға — муҳр мазкур литографияда нашр этилган китобларнинг ва бошқа босма маҳсулотларда фирма белгиси ўрнида акс эттирилган. Исҳоқхон матбаа очилган йилиёқ уни кенгайтириш, катта босмахоналардан бирига айлантириш учун бутун куч-ғайратини, сармоясини сарфлайди, керакли полиграфик анжомлар билан тўлдиради. Унинг бу саъй-ҳаракатлари зое кетмайди. Маҳаллий халқ ўртасида китобга бўлган талабнинг ортиши натижасида литография 1910 йилда Наманган шаҳрига кўчирилади ва матбаа мих ва тош босмага айланади. Бу даврда "Матбааи Исҳоқия" Туркистон миқёсида катта аҳамият касб этди. Унда катта ҳажмдаги асарлар ҳам нашр қилина бошланади. Фарғона водийсидаги босмахоналарнинг босма нашрлари йил сайин ортиб, ўсиб бориши, Туркия, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа жойлардан келган китоблар шаҳар ва қишлоқларда китоб дўконларининг кўпайишига сабаб бўлади. Жумладан, Наманган шаҳрида 1874 йилдан 1879 йилга қадар битта китоб дўкони фаолият кўрсатган бўлса, 1889-1899 йилларда иккита, 1908 йилга келиб ўн олтитага етади. 1912 йилда Наманган шаҳри ва унинг уездида 13 та, Чустда, — 2 та, Попда — 1 та, Питкаранда — 1та, Янги Қўрғонда — 1 та китоб дўконлари вужудга келган.

Дарҳақиқат, Наманганнинг матбаачи-ношири, шоир, маърифатпарвар Ибрат ўз мақсади йўлида, яъни Туркистоннинг чекка қишлоғида тош босмани вужудга келтириб, ўлкада миллат маданий меросига катта ҳисса қўшибгина қолмай, халқ маънавияти-маърифатини юксалтиришда улкан ишларни амалга оширади. У мих ва тош босма жараёни орқали қисқа давр ичида анчагина асарларни ўзбек тилида нашрдан чиқаради. Жумладан, "Ибрат лирикаси" (1909 й.), қадимги ҳинду, юнон, арман ва бошқа тиллар хат ва ёзувлари тарихига бағишланган ажойиб илмий дастур "Жомеъ ул-хутуг" (1911 й.) асарини ҳамда бошқа босма маҳсулотларни чоп этади. "Матбааи Исҳоқия" 1913 йилдан бошлаб М.Н.Абдусатторбоев ихтиёрига ўтиб, 1917 йилга қадар фаолият кўрсатади. 1918 йили хусусийлаштирилади.

Бироқ, мих ва тош босма хусусийлаштирилгандан сўнг замон талабига жавоб бера олмай қолади. Босмахонада саҳифаловчи, айлантирувчи (босма машина дўнгалагига ушлатгич ўрнатиб, қўлда юқори босма машинани ҳаракатга келтирувчи), печатчи (газета саҳифаси катталигидаги қоғозни талаерга қўйиб босим жараёнидан сўнг олувчи), ҳарф терувчи бўлиб, жами ишловчилар сони ўнга яқин матбаачидан иборат бўлган. Босмахона электрлаштирилмаган бўлгани учун иложи борича кун ёруғидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилинган. Улгура олинмаганда шам, пилик чироқлардан фойдаланилган.

Маърифат йўлида фидойиларча қилган ҳалол меҳнатлари етук матбаачи-ноширнинг номини ўзбек зиёлилари сафидан ўзига хос намунали ўрин олишига сазовор этди. Наманагандаги энг катта 3-ўрта мактаб, илғор жамоа хўжалиги ҳамда Наманган вилоятининг матбаачи-ноширларининг ҳашаматли босмахонасига унинг номи берилганлиги, маърифат куйчиси, шоир, водийнинг илк қалдирғоч матбаачи-ноширларидан бири бўлмиш Ибратнинг хотирасига муносиб ёдгорликдир.

**Азиз БОБОХОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари номзоди**

# «ХИРАГИ» МАНГУ ЯШИЛ ДАРАХТ

***Куни кеча пойтахтдаги Япон миллий марказида «Хираги» деб номланган ҳужжатли оммабоп фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

***Японияда «Хираги» деб номланган мангу яшил дарахт ўсар экан, у ҳеч қачон сўлиб қолмаслиги, баргларининг сарғаймаслиги билан ҳам қадрли ҳисобланаркан.***

***— «Инсон хотираси ҳам худди шу хираги каби мангудир», — дейди иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўзбекистонга келтирилган япон ҳарбий асирлари тақдири билан қизиқиб, улар ҳаётини ўрганиб, ўз уйида музей очган муҳандис Жалил Султонов.***

***Фильм ижодкорлари изланишлари натижаси ўлароқ экран юзини кўрган мазкур ҳужжатли фильмда Жалил Султонов олиб борган узоқ йиллик изланишлар ўз аксини топган. Фильмда япон халқининг матонати, Ўзбекистонда улар қурган иншоатлар, собиқ ҳарбий асирларнинг юртимизга ташрифи ва бу ташриф давомида ўзлари меҳнат қилган жойларда бўлишлари, мана шу тупроққа кўмилган сафдошларини ёд этиш лаҳзалари батафсил очиб берилган. Эргаш Нормуродов режиссёрлик қилган фильм мусиқаларини Анор Назаров басталаган.***

***Тақдимотда фильм ўзбек, япон, рус тилларида йиғилганларга намойиш этилди. «Хираги» юзасидан берилган савол-жавобларга ижодкорлар батафсил жавоб беришди. Шунингдек, фильм ташаббускорларидан бири Жалил Султонов бу фильм японлар ҳаётига оид фильмларнинг биринчиси эканлигини, ҳамда яна худди шу мазмунда тўққизта фильм яратиш фикри борлигини маълум қилди.***

**Жаҳонгир ТОШЕВ**

*Axir ota-bobolarimizdan qolgan naqlga ko'ra, ayollar go'zallik uchun yaralgan, og'ir mehnat oqibatida chehrasidagi so'lg'inlikdan bemajol ona zurriyodiga nima ham bera olar edi?*

*«O'qituvchilarning o'qituvchisi» deb ta'riflanadigan kollej metodistlarining chinakam ma'nodagi "Kasb ustalarining ustozi" bo'lishi lozimligi davr talabidir.*

*Qonun va fuqaro*

# СУВ ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

**(42-мақола)**

Биз биламизки, ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳаси ҳуқуқий таъминланишни тақозо этади. Худди шу маънода, сув ва у билан боғлиқ муносабатлар ҳам қонунчилик билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 май (ўша пайтда қонун чиқарувчи орган шундай деб аталарди)даги қарори билан тасдиқланган "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасида сувга доир муносабатлар тартибга солинган. Аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланишга, уни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашга, зарарли таъсирларнинг олдини олиш ва уни бартараф қилишга, ҳавзаларнинг ҳолатини яхшилашга, шунингдек, сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш белгилаб қўйилган.

Дарвоқе, мазкур қонун амалга киритилиши билан (яъни, қонун матбуотда эълон қилиниши билан) 1972 йил 9 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг "Сув кодекси" ўз кучини йўқотган.

Қонун 29 боб, 119 моддадан иборат бўлиб, бир сўз билан айтганда, у сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Унга кўра, сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки — умуммиллий бойлик ҳисобланиб, ундан оқилона фойдаланиш лозим, у давлат ҳимоясида.

Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди — дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув ҳавзалари, канал ва ҳовузлар, ер ости сувлари ва музликлардан иборат. Давлатлараро дарёлар — Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа сув манбаларидан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади. Демак, сув нафақат ички ҳуқуқ, балки халқаро ҳуқуқ объекти ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари бўйича), Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар органи (ер ости сувлари бўйича), саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) органлари ўз ваколатлари доирасида мазкур соҳадаги махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

Кимлар сувдан фойдаланувчилар бўлишлари мумкин? Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар — сувдан фойдаланувчидир. Шунингдек, қонунларда назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар ва шахслар ҳам сувдан фойдаланувчи бўлишлари мумкин. Сувдан фойдаланувчилар сув объектлари қандай мақсадлар учун фойдаланишга берилган бўлса, фақат шу мақсадларда фойдаланиш, бериладиган сувнинг миқдорини ва сифатини текшириш, шартнома бўйича олинмай қолган сув учун, қонунларда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, товон тўланишини талаб қилиш, сувдан фойдаланишни амалга ошириш учун иншоотлар, қурилмалар ва объектларни қуриш каби ҳуқуқларга; сув объектларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежаб-тергаб сарфлаш, сув олишнинг белгиланган меъёрларига риоя этиш, ифлос моддалар аралашган оқинди сувларни объектларга оқизишни тамомила тўхтатиш чора-тадбирларини кўриш, бошқа шахслар ҳуқуқларининг бузилишига, хўжалик ва табиат объектларига зарар етказилишига йўл қўймаслик, сувдан фойдаланганлик ҳақини ўз вақтида тўлаш каби мажбуриятларга эгадирлар.

Қонунда сувдан умумий ва махсус фойдаланиш турлари фарқланади. Сувдан унинг умумий ҳолатига таъсир қиладиган иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай фойдаланиш ҳамда махсус, яъни иншоотлар ва қурилмаларни қўллаш йўли билан фойдаланишдир. Шуни айтиш кераккки, барча сув истеъмолчиларига нисбатан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби белгиланади.

Сувдан аҳолининг истеъмоли, маиший ва бошқа эҳтиёжлари учун, даволаш, курорт ва соғломлаштириш мақсадида, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун, саноат мақсадларида ва энергетика эҳтиёжлари учун, балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун, овчилик хўжалиги (қундуз, ондатра, сув каламуши, нутрия ва ҳоказолар) эҳтиёжлари учун ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Сувдан фойдаланишни давлат йўли билан ҳисобга олиш ва режалаштириш йўлга қўйилади. Унинг вазифаси сувларнинг миқдори ва сифатини, аҳоли ва халқ хўжалигининг эҳтиёжлари учун маълумотларни белгилаш, аҳолининг ичимлик сувга бўлган ва маиший эҳтиёжларини қондириш, уни муҳофаза қилиш ва об-ҳаёт етказадиган зарарли таъсирнинг олдини олишдан иборатдир. Бу борада давлат сув кадастри, сув хўжалиги баланслари, сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш жадваллари юритилади.

Сўнгсўз ўрнида айтсак, сув ҳақида қонунимиз бору, ундан фойдаланиш ҳолати ёмон. Сувнинг ифлосланиш даражаси жуда юқори. Маиший, саноат чиқиндилари бисёр. Нима дердик? Сувни ифлос қилмайлик, уни энг аввало, истеъмол қилишимизни ўйлайлик-да, хулоса чиқарайлик.

**Миродил БАРАТОВ,**
**Шоира ЮЛДАШЕВА**

# ЮРАКЛАРДА ҚОЛДИНГ, «АГРОИСТЕЪДОД!»

*Tadbir*

**Олдин хабар қилганимиздек, Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида жойлашган истеъдодли ўқувчиларнинг «Агроистеъдод» мактаби куни кеча ўзининг бу йилги фаолиятини якунлади. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 48 нафар иқтидорли ўқувчилар ўн беш кун давомида дам олиш билан бирга, билим ва кўникмаларини бойитиб, кўплаб дўстлар орттиришга муваффақ бўлдилар. Ушбу мактаб мана 4 йилдан буён фаолиятини давом эттирмоқда ва шу вақт мобайнида 250 нафарга яқин болажонлар ҳордиқ олиб, янги дўстлар орттирмоқдалар. Болалар ҳар куни эрталабки нонушта ва бадантарбияни туғаллаганларидан сўнг, уларга ЮНЕСКО ташкилотининг психолог ва тренерлари суҳбатлар, тренинглар олиб бордилар. Республика Патент идораси эса ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини оширишга ҳаракат қилди. «Агроистеъдод»нинг ёпилиш маросимида Давлат Патент идораси намунали хулқи ва турли танловларда эришган ғалабалари учун болажонларга совғалар ва ҳар бир иштирокчига сертификат берди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб-чиқариш маркази бўлим бошлиғи Р. Назаров болажонларга ўлкамизда етиштириладиган пахта ўсимлиги ҳақида суҳбат-маъруза сўзлаб берди.**

**Назокат ХОЛМЕТОВА**

# ХОРИЖНИКИДАН АФЗАЛ

*Kutubxona*

Мен таҳсил олаётган Самарқанд кооператив институтида таълим ислоҳотлари узлуксиз равишда амалга оширилаётгани нафақат кадрлар тайёрлаш бобида, балки бошқа жабҳаларда ҳам сезилмоқда. Бозор талабларига мос келадиган "Иқтисодиёт", "Бизнес", "Маркетинг", "Менежмент", "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" каби йўналишлар бўйича тайёрланаётган малакали кадрлар ўз соҳалари бўйича фаолият кўрсатишмоқда.

Кейинги йилларда институтимиз олимлари томонидан замон талабларига мос келадиган дарсликлар ва бошқа турдаги ўқув адабиётлари тайёрлашда силжиш борлигини кузатиш мумкин. Шундай дарсликлардан бири профессор Ҳ.Мусаев томонидан тайёрланган ва нашрдан чиққан "Аудит" дарслигидир (Т., "Молия", 2003 й., 13.75 б.т).

Давлат тилидаги ушбу дарслик жуда зарур эди. Чунки хорижий тиллардан таржима қилинган аудит соҳасидаги ўқув адабиётларида иқтисодиётимизга хос бўлган хусусиятлар, миллий андозалар ўз аксини топмаган эди. Устозимиз Ҳ.Мусаевнинг мазкур дарслиги эса содда, равон тилда ёзилган бўлиб, давлат таълим стандартлари, ўзлаштиришнинг кўп босқичли рейтинг тизими талабларини ўзида тўлиқ ифодалаган. Дарсликнинг муҳим хусусиятларидан бири, унинг назария ва амалиёт билан бевосита боғланганлигида деб биламан (ишнинг таркибида амалиёт маълумотларига асосланган кўплаб жадваллар ва чизмалар мавжуд). Дарсликда фан бўйича тестлар, талабаларнинг ўз билимларини текширишлари учун саволлар, аудит соҳасида қўлланиладиган асосий тушунчалар баён этилган. Ўқув адабиётига бундай ёндашиш, шубҳасиз ушбу фаннинг талабалар томонидан тўлиқ ва осон ўзлаштирилишини таъминлайди. Дарслик "Молия", "Банк иши", "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналишларининг бакалаврларига мўлжалланган бўлса-да, ундан бизнесга оид бошқа йўналишларда, коллежларнинг ўқитувчилари ҳамда амалиёт ходимлари ҳам кенг фойдаланишлари мумкин. Биз замон талабларига мос ўқув адабиётларини тайёрлаётган устозларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Дилбар ТУРСУНОВА,**
**Самарқанд кооператив институти иқтисод факультети талабаси, Улуғбек номидаги давлат стипендианти.**

*Fikr*

# СОҒЛОМ ОНАНИНГ ЗУРРИЁДИ ҲАМ СОҒЛОМДИР

Соғлом муҳит, соғлом она, соғлом фарзанд, соғлом турмуш — бу бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Сўнгги йилларда экологиянинг оламшумул муаммоларидан бири атроф-муҳит, она ва бола соғлиғини асраш ва муҳофаза қилишга бориб тақалмоқда. Зеро, инсоният яралгандан бери ўзининг ақл-заковати билан она-табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилиб келади. Инсон — буюк зот. Буюклиги шундаки, ҳиссиёти, иродаси, хоҳиш-истаги шу қадар юксалганидан ҳатто ўзини-ўзи, яъни келиб чиқишини миқдор кетидан қувиб, меъёр ва қаноатни бутунлай унутганидан, келаётган зарарнинг жабрини ҳам биринчи навбатда ўзи сезмоқда.

Бу борада биринчи ўринда аёллар тақдири, келажаги инсониятни ташвишга солмоқда. Мана бу масалага диққат қилайлик: айрим маълумотларга қараганда, Ўрта Осиё минтақасидаги экологик инқироз оқибатида 85 фоиз аёллар камқонлик дардига чалинган. Том маънода айтадиган бўлсак, бу кўрсаткич соғлом боланинг дунёга келиши дегани эмас. Хўш, бу ҳолатга сабаб бўладиган омиллар ҳақида нима дейиш мумкин?

Ўзбек оилалари серфарзандликни хуш кўришади, бу азалий одатни ўйлаб кўриш вақти келмадимикин? Аёллар камқонлиги авж олишига сабаб, аввало, ўз соғлигини таъминлай олмайдиган аёл боласи учун борини сарф қилса, энергия ва қувватни қаердан олсин? Оғир меҳнат, енгил-елпи, калориясиз овқат аёлнинг нозик танасига қанчалик даражада қувват беради? Ахир ота-боболаримиздан қолган нақлга кўра, аёллар гўзаллик учун яралган, оғир меҳнат оқибатида чеҳрасидаги сўлғинликдан бемажол она зурриёдига нима ҳам бера олар эди?

Ҳукуматимиз аёллар меҳнатини енгиллатиш ҳақида бир қанча қарорлар чиқаргани бежиз эмас. Ахир соғлом онадан туғилажак бенуқсон фарзандгина мукаммал турмуш гаровидир. Соғлом фарзандлар келажагимизнинг кўрки, ҳаёт давомчиларидир. Юқоридагиларга ишонадиган бўлсак, биринчидан, аёллар соғлом болани дунёга келтириб, уларни вояга етказиш учун куч-қувватга ҳам тўлиқ бўлиши керак. Демак, нафақат туғадиган аёллар, балки боланинг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган аёл зоти борки, уларни асраб-авайлашимиз жоиздир. Иккинчидан, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, айниқса, аёллар кўпроқ таъсирчандир. Шундай экан, атроф-муҳитнинг покизалиги учун ҳар бир инсон онгига мурғаклигидан бошлаб, экологик маънавиятни сингдиришимиз зарур.

Ҳар бир ташкилот ходими, ҳар бир ўқув юрти (боғча, мактаб ва ҳоказо)да ҳар йили экологиянинг амалий ва назарий қисмидан имтиҳон қилиниши ва қатъий талаб асосида сертификат олмоғи, бу сертификатдан ишга ва ўқишга киришда имтиёз сифатида фойдаланмоғи маъқулдир. Учинчидан, бу ғояларни чуқур сингдирмоқ учун кўплаб таълим дастурлари ва адабиётлар ишлаб чиқаришга эътибор қаратишимиз керак. Тўртинчидан, аёллар, айниқса, туғадиган ва фаол ишлайдиган аёллар қатъий тартибда алоҳида тиббиёт кўригидан ўтиб туришлари керак. Аёлларнинг меҳнат кунини эркакларга нисбатан енгиллаштириш лозим. Атроф-муҳит ва аёллар саломатлиги учун масъул ташкилотларнинг иш унумдорлиги кўпаймоғи керак.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар соғлигини сақлаш омилларидан бири уларга ҳам маънавий, ҳам руҳан, ҳам моддий ва жисмонан яқин бўлган қўрғонсифат эркаклар соғлиги ҳақида ҳам алоҳида қайғуришимиз керак. Оилада отанинг соғлом бўлиши соғлом зурриёднинг ярим кафолатидир.

Шундай экан, инсоният ўзи учун хавф-хатарни сезаётган ҳар онда экологик дунёқарашлардан воқиф бўлиб, тараққиётнинг илғагини юксак билим ва юқори технология асосида олиб борсак, ҳеч нарсани ютқазмас эдик.

**Бувитош РАЖАБОВА,**
**ЎзМУ қошидаги Собир Раҳимов академик лицейининг биология фани ўқитувчиси**

*Tajriba*

# КАСБ УСТАСИГА УСЛУБИЙ ЁРДАМ

Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кечаётган туб ислоҳотлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнига ҳам юксак талаблар қўймоқда. Таълим мазмунини такомиллаштириш, унинг сифат кўрсаткичларини ошириш масалалари айни кунда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" иккинчи босқичининг асосий вазифалари ҳисобланади. Шу боис, барча таълим муассасаларида мутахассисларнинг касб-ҳунар сирларини мукаммал эгаллаб, ишлаб чиқариш амалиётини тўғри ташкил этишга, ўқувчиларнинг пухта амалий таълим олишлари ва касбий малакалари шаклланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўқувчиларга касб-ҳунар сирларини ўргатиш, уларнинг касбий билимларини ошириш, кўникмаларини шакллантириш, малакаларини такомиллаштириш, ёшларни билимдон, зукко, юртига садоқатли этиб тарбиялаш вазифаларини амалга ошириш ишлаб чиқариш таълими усталари зиммасига юклатилмоқда. Аксарият касб усталари бу шарафли ва масъулиятли вазифаларни сидқидилдан адо этишга интилмоқдалар. Лекин, эътироф этиш лозимки, айрим касб усталарининг педагогик маълумотга эга эмаслиги, муҳандис-педагогларнинг педагогик тажрибалари етишмаслиги, айримларининг ўз касбий маҳоратини оширишга интилмаслиги, ялқовлиги кўзланган мақсадларга эришишда тўғаноқ бўлмоқда. Кўпчилик касб усталарининг методик ёрдамга муҳтожлиги яққол сезилиб қолмоқда. Бу борада коллеж методистининг алоҳида ўрни, нуфузи, салоҳияти салмоқли бўлиши лозимлигини давр исботламоқда.

Сир эмаски, шу пайтгача коллежлардаги амалий дарсларнинг ташкил этилиши, касб усталарининг педагогик фаолияти методистлар назаридан четда қолиб кетмоқда. Ҳозирги замон педагогикаси, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичини амалга ошириш вазифалари эса коллеж методистидан ҳар бир муҳандис-педагог ва касб устасининг маслаҳатдоши, педагогик ва психологик муаммоларни ҳал этишда методик ёрдам берувчи устозига айланмоғини талаб этмоқда.

Методист коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари сифатида катта уста билан биргаликда иш юритиши, амалий таълимни ривожлантириш учун ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Бизнинг коллежимизда ишлаб чиқариш таълимини замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида "Амалий таълим" кафедраси ташкил этилган бўлиб, бу кафедрага 4 нафар муҳандис-педагог ва 12 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари бириктирилган. Кафедра мудирининг методист билан ҳамкорликда олиб бораётган самарали фаолияти натижасида касб усталарининг салоҳиятини кўтаришга эришилмоқда.

Коллеж методисти сифатида мен касб усталарига методик ёрдам бериш мақсадида "Касб устаси" деб номланган услубий қўлланмани тузиб чиқиб, нашр эттирдим ва касб усталарига тақдим этдим. Бу қўлланмада касб устасининг вазифалари, уларга қўйиладиган талаблар, ўқув амалиётини ташкил этиш шакллари ва услублари, мавзулар режаси, дарс режасини тузиш тартиби, иш ҳужжатларини расмийлаштириш намуналари, амалий таълим дарсларини таҳлил қилиш методикаси ва бошқа услубий тавсиялар киритилган. Бу кўрсатмаларнинг касб усталари томонидан амалда бажарилишини кафедра мудири билан биргаликда кузатиб, кафедра йиғилишларида муҳокама этиб бормоқдамиз. Кафедра мудири билан олиб борилаётган ижодий ҳамкорлигимиз натижасида бу ўқув йилида 8 нафар ишлаб чиқариш таълими усталарининг очиқ дарсларини ташкил этиб, намунали ўтказилишига эришдик. Касб усталарининг дарсларга тайёргарлик кўриши, иш ҳужжатларини юритиши, ўқув устахоналарини талаб даражасида жиҳозлаши, услубий ишларни бажаришида амалий ёрдам бериб келмоқдамиз. Ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан ўқув амалиётларини ўтказиш бўйича тузиб чиқилган дастурлар, маърузалар матни ва услубий ишлар кўрсатилаётган методик ёрдамлар натижасидир.

Касб усталарининг касбий маҳоратини такомиллаштириш мақсадида уларнинг тажрибали ўқитувчиларга бириктириб қўйилганлиги яхши самара бермоқда. Шунингдек, касб усталарининг коллеж услубиёт хонаси томонидан ташкил этилаётган педагогик ўқишлар, семинарлар, конференцияларда фаол иштирок этишга жалб этилаётганлиги уларнинг билим даражаси ва педагогик маҳоратлари ошишига, маънавий дунёқарашининг кенгайишига, ғоявий-сиёсий билимларнинг теранлашишига ёрдам бермоқда.

Коллежда амалий таълимнинг ўқитилиш сифати педагогик ва услубий кенгашларда муҳокама этилиб турилади, илғор тажрибалар оммалаштирилиб борилади. Ўтган ўқув йилида илғор ишлаб чиқариш таълими устаси Котибхон Асқаровнинг иш тажрибаси вилоят ЎМКҲТ бошқармаси ўқув-методика бўлими томонидан вилоят миқёсида оммалаштирилди.

Айни кунларда касб усталари билан амалий таълимда янги педагогик технологияларни ва "Ўргатиш технологияси"ни қўллаш орқали амалиёт дарслари самарадорлигини янада ошириш бўйича таъдбирлар амалга оширилмоқда.

Коллежлардаги таълим-тарбия жараёнининг юксалишида, хусусан амалий таълимнинг Давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ташкил этилишини таъминлашда, касб усталарининг мавқеини кўтаришда коллеж методистининг касб усталарига кўрсатадиган методик ёрдами беқиёсдир. "Ўқитувчиларнинг ўқитувчиси" деб таърифланадиган коллеж методистларининг чинакам маънодаги "Касб усталарининг устози" бўлиши лозимлиги давр талабидир.

**Ҳусайн ШАГИАҲМЕДОВ,**
**Тўрақўрғон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи методисти, "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси"**



***Суратда:** Моҳир ишлаб чиқариш таълими устаси К.Асқаров "Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш" ўқув амалиёти машғулотида.*

# БАРЧА УЧУН МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

***У бугун академик лицей ва касб-ҳунар коллежи остонасида турган ёш йигит-қизлар ҳамда уларнинг ота-оналарига бирдек масъулият юклайди***

*«Abituriyent — 2003»*

Айни кунда мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилиш жараёни қизғин кечмоқда. Бу борада академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган маслаҳат гуруҳлари ва марказларида ишлар қизиган.

Пойтахтимиздаги Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейида ҳужжатлар қабули жараёни билан танишамиз. Мазкур даргоҳ маслаҳат гуруҳи лицейнинг фойесида жойлашибди. Бу ерда ҳужжат топширувчи ёшлар, уларнинг ота-оналари, умуман, мазкур илм масканига шу кунларда ташриф буюрувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Ҳужжатларни қабул қилиш жараёни 20 июндан бошланган, — дейди маслаҳат маркази техник ходими А.Бекмуҳамедов. — Эътиборлиси, мамлакатимизда сўнгги йилларда барпо этилган янги турдаги таълим муассасаларида фарзандларининг у ёки бу таълим йўналишлари бўйича таҳсил олишларини истовчи ота-оналар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу қувончли ҳол, албатта. Бизнинг академик лицейимиз ёшларга табиий фанлар йўналишида таълим-тарбия беради. ЎзФАнинг биокимё, генетика, эндокринология, акушерлик ва гинекология илмий-текширув институтлари, Республика Скрининг маркази билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган таълим муассасамизда ҳар бир дарс ўқитишнинг энг замонавий усуллари асосида ташкил этилмоқда.

Шу куни пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган информатика ҳамда машинасозлик касб-ҳунар коллежларида ҳам бўлиб, бу ердаги маслаҳат марказлари фаолиятлари билан танишдик. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар иккала таълим муассасалари фойеларида ташкил этилган махсус стендларда мутахассисликлар тайёрлов йўналишлари асосида кўргазмали равишда акс эттирилган. Масъул котиб ва техник ходимлар ёш йигит-қизлар ва уларнинг ота-оналари томонидан берилган барча саволларга ўз вақтида жавоб беришмоқда. Хоҳловчилар учун коллеж ҳудуди, ўқув-лаборатория хоналари бўйлаб қисқа фурсатли сайёҳатлар уюштириш тадбирлари ҳам бундан мустасно эмас.

**Эл ДЎСТ**

## БОЛА ЎҒИРЛАГАН ЎҚУВЧИ

*Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида яшовчи 9-лицей ўқувчиси Ҳ.М. Чилонзор 10-даҳа 2-уйда яшовчи 6 ёшли С.Ш.ни ўғирлаб кетиб, уни қайтариш учун боланинг ота-онасидан 2000 АҚШ доллари талаб қилган.*

*Ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида Ҳ.М. юқоридаги пулни олаётган вақтда ушланган.*

*Терговни прокуратура олиб бормоқда.*

## БАДНАФСЛИК БАЛОСИ

*Жиззах вилоятининг Фориш тумани ички ишлар бўлимига вилоят прокуратурасидан тушган хабарга кўра, Янгиқишлоқ қўрғонида яшовчи 64-сонли кўчма механизациялашган колонна прораби, 1962 йилда туғилган Б.Эгамов Янгиқишлоқ қўрғонидаги коллеж биносини таъмирлаш жараёнида 6 миллион 595 минг сўм пулни қўшиб ёзиш йўли билан талон- тарож қилганлиги аниқланган.*

*Унга нисбатан вилоят прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.*

## ОЛМАНИ ОЛМА...

*Бухоро вилоятининг Ромитан тумани Газли кўчасида яшовчи нафақахўр, муқаддам судланган, 1937 йилда туғилган М.Зарин ҳовлисидаги олма дарахти меваларини ўғирламасликлари учун электр сим билан ўраб қўйганлиги сабабли мазкур кўчанинг 44-уйида яшовчи 33-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси, 1987 йилда туғилган К.Исаев ток уриши натижасида вафот этган.*

*Ҳозирда мазкур жиноят юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.*

**Ш.РЎЗИЕВ,**
**милиция майори**

*Qutlug' ostona*

**Бу йил Тошкент вилоятида мавжуд янги турдаги таълим муассасалари — 3 та академик лицей ва 17 та касб-ҳунар коллежини жами 1136 нафар ёш йигит-қиз тамомлаб, мутахассислик дипломларига эга бўлдилар. Улардан 82 нафарига эса намунали хулқи, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда илм маскани ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этганликлари учун имтиёзли дипломлар тақдим этилди. Яқиндагина мамлакатимиз ЎМКҲТ муассасаларида битирувчи ёшларга тантанали диплом топшириш маросимлари бўлгани каби, мазкур илм даргоҳларида ҳам ана шу тадбир кўтаринки руҳ, катта шодиёналар билан бўлиб ўтди.**

# ИЛМ ВА ҲУНАР ОЛИШДИ

Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежини тамомлаган ўқувчи-ёшларнинг битирув оқшоми тадбири махсус диплом топшириш майдончасида ташкил этилди. Даврага коллежнинг бу йилги битирувчилари гуруҳ раҳбарлари бошчилигида кириб келишди. Давлатимиз мадҳияси ижро этилгандан сўнг, таълим муассасаси раҳбари Рустам Эргашев йиғилганларни тантана билан табриклади. Коллежни пайвандлаш, менежмент ва муҳосиблик ҳисоби йўналишларида битирган ёш йигит-қизларга ҳомий ташкилотлар номидан "Электркимёсаноат" ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлар бўлими бошлиғи Сирлибой Оразбоев, меҳнат фахрийси, устоз-мураббий Рифкат Гумаров, ота-оналардан Валентин Теплов ҳамда Захира Нурматовалар ўзларининг дил изҳорларини баён этишди.

— Коллежимизни бу йил 42 нафар ёш битирмоқда, — дейди коллеж раҳбари Рустам Эргашев. — Улардан етти нафари имтиёзли дипломга эга бўлишди. Энг қувончлиси, пайвандлаш гуруҳи битирувчилари шу бугунданоқ "Ўзбеккимёмаш", "Электркимёсаноат" каби йирик-йирик ташкилотларда меҳнат фаолиятларини бошлашмоқда.

**Нур АЛИ**

